



ҚУЧМА ТАҲРИРИЯТ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА

ЎЗГАРТИРИШ ЗАРУР

9 сентябрда ўтар кечаси «Коммунар» заводи қоровули ухлаб қолган.

Музлатгич ва кондиционер ўғирлаб кетилгани ҳақида менга маълум қилишди. Бу жиноятни икки кун деганда очишга мушарраф бўлдим.

Буни қарангки, икки ўғри бўюмларни катта аравачага солиб, даранглатиб қоровул олдидан ўтган. Бироқ ўлик уй-куга кетиб, донг қотган қоровул уйғонмаган.

Январь ойида 12 та майда ўғрилик очилди. Булар Андижон ёғ-мой комбинати, «Коммунар» заводи атрофида содир бўлган қонунбузарликлардир. Бу ерда кунига 20-30 нафар киши қўллариди идиш билан айланиб юганини кўриш мумкин. Айрим қўли эгри ишчилар яхши қайнатилиб пиймаган ёғни олиб чиқиб, кўчадаги «хариidor»га сотади. Пишиб етилмаган ёғ эса инсон ички органини, ошқозонини ишдан чиқариши аниқланган.

Корхонада содир этилган ўғрилик учун биронта қоровул ҳали ҳанузгача жавобгар бўлмаган.

Шунинг учун ҳам улар ухламай соқчилик қилиш ўрнига бемалол хуррак отишаверади. Натижаси эса ўзингизга аён.

Шуларни назарда тутиб мен бир таклифни ўртага ташлардим. Қўриқлаш бўлими тузилишини тубдан ўзгартириш керак. ЖКБ вакилларига объектлар бўлиб берилса, самарадорлик яхши бўларди, менимча.

Эргашбой МАНСУРОВ,
катта участка вакили милиция майори.



СУРАТДА: Андижон шаҳар ИИБ катта участка вакили милиция майори Э. Мансуров қабулига келган фуқаролар билан.

А. НАЙМУШИН олган сурат.

ЧОЙХОНАДА СУҲБАТ

Андижон шаҳридаги Тўққизариқ маҳалласи аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан бири. Бу ерда 1400 хонадон бўлиб, 6 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Маҳалла жамоаси чойхонада тез-тез тўпланиб, турли мавзуларда суҳбатлар, кечалар, учрашувлар ўтказиб туришади. Худди шундай суҳбатлардан бири жамоатчилик тартибини сақлашга бағишланди. Унда участка

вакили милиция капитани Абдувоҳид Худойбердиев қатнашиб, тартибни сақлаш учун биринчи навбатда нималар қилиш кераклиги хусусида гапирди.

Маҳалла оқсоқоли Жамолддин Қори ака Тиллабоев, маҳалла фаоли Еқубжон Азимов ва бошқалар ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Суҳбат қизиқarli ўтди. М. БОЛТАБОВ.

Қучма таҳририятнинг бошқа материаллари билан рўзномамизнинг 2, 3-бетларида танишасиз.

РЎЗНОМАНИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ТАСДИҚЛАНДИ

Яқинда ИИБ ҳайъатининг йиғилишида «Постда» — «На посту» рўзномаларининг таҳрир ҳайъати тасдиқланди.

Рўзнома муҳаррири ички хизмат подполковниги Зокир Отаев таҳрир ҳайъатининг раиси. ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг иктомий ва ҳуқуқий химоя қилиш бўлими бошлиғи ички хизмат майори Тўражон Алибоев, рўзнома муҳаррирининг ўринбосари милиция капитани Ғайратжон Болтабоев, ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи мили-

ция полковниги Қутбиддин Бурхонов, ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи ички хизмат полковниги Адҳам Ёқубов, ИИБ Тошкент олий мактаби бошлиғи ўринбосари ички хизмат полковниги Зариф Зарипов, ИИБ штаби бошлиғининг ўринбосари милиция полковниги Виталий Малютин, ИИБ жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи милиция полковниги Анатолий Ортиқов, ИИБ иқтисодий жиноятчилик билан кураш бошқармаси бошлиғи милиция подполковниги Сергей Тахтин, рўзнома

муҳаррирининг ўринбосари ички хизмат майори Константин Тимохин, Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи милиция генерал-майори Тўйғун Тўхтаев, ИИБ қошидаги «Қўриқлаш» бирлашмасининг бошлиғи милиция полковниги Ҳикмат Убайдуллаев, вазир ўринбосари, шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг бошлиғи ички хизмат полковниги Равшан Ҳайдаров, Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи милиция полковниги Комилжон Ғафуров ҳайъат аъзолари этиб тасдиқландилар.

ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазирлиги марказий девони ходимлари Жумҳурият «Қўриқлаш» бирлашмаси чақирғига қўшилган ҳолда бугунги хайрия ҳаширида фаол иштирок этадилар. Барча ходимлар тигиз ишларини маълум муддат бир чеккага қўйиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан машғул бўладилар.

ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Улар «Наврўз» хайрия ҳашири муносабати билан бир кунлик иш ҳақларини Наврўз жамғармасига ўтказишга қарор қилдилар.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам бугунги ҳаширга баҳамжиҳатлик билан қатнашишга тайёр. Улар одатдаги ишлардан ташқари ИИБга қарашли қозонхона қурилишини тезлаштиришда ёрдам

берадилар. Шунингдек, бошқарма қошида ташкил қилинаётган милиция тарихидан ҳикоя қилувчи музей очиш учун зарур бўлган хоналарни қайта таъмирлайдилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси Наврўз фондига 10 минг сўм пул ўтказишни ният қилган.

Ниятларингиз йўлдош бўлсин, азиз ҳамкасблар! Э. САТТОРОВ.

ҲАЛҚҚА

ТИНЧЛИК КЕРАК

Ҳозирги кунда милиция ходимларига ёрдам бериш керак. Дабдурустан гапни шундан бошлашимизни сабаби бор. Мисол: Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар. Мен милицияни оппоқ қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Аммо охирикитат унинг юзига қора чап-лашдику. Нима учун талабаларга вақтида пулини, купонини, нонини бермаганлар жазосиз қолдилар! Нима учун уларнинг айби билан бўлган иш учун милициянинг бошига калтак синди!

Бундай олиб қараганда, милиция нотўғри йўлдан юрганларга ёқмайди. Улар кимлар! Чайқовчи, ўғри, қондабузар ҳайдовчию порахўрлар. Оддий ҳалқ эса тинчлик, осойишталик истади.

Ҳ. ҚУДРАТОВ,
Қашқадарё вилояти.

— Ўғлимнинг қорадори истеъмол қилаётганини кўрмаганман. Бироқ гумоним бор. Негаки охириги пайтларда ўзини жуда ғалати тутди. Жуда кўп ухлайди. Қандайдир тажани. Ҳеч қовоғи очилмайди. — дейди Константиннинг онаси.

Ўғлининг эса афюнга ихлос қўйганига анча бўлган.

ЖАҲАННАМ ЧЕТИГА

ди. Бу ҳақда у билан қонунсиз яшаб келаётган хотини қуйидагиларни билдирди.

— Константин билан яшаётганимга бир неча йил бўлди. Икки фарзандимиз бор. Мен унинг бангиллигини юриш-туриши, ўзини туттишлари, қўлларига санчилган нина изларидан биламан.

Константин ҳали ўттизга кирмаган. Авваллари тушпа-тузук ишларди. Мана ҳозир

ишга ҳам қўли бормайди. Кайфияти доимо тунд. Одамларга ҳам кейинги пайтлари кам қўшилади. Ўқтимол Ленин тумани ИИБ ходимлари унинг қадам олишлари бежо эканлигига эътибор беришмаганларида, Константин жаҳаннам ботқоғига буткул ботиб кетармиди?!

Фуқаро Бернштейннинг

Нур БАДИА.

Йигирма ёшли Армен Никогосян шу пайтгача на ўқишга, на ишга кирди. «Ёшликда ўйнаб, кайф-сафо қилиб қолиш керак», — дерди ўзига ўзи. Бунинг учун эса ҳар кун «муллажиринг» керак. Лекин қайдан топсин? Ота-онасидан сўраш уят. Шундоқ ҳам 20 йил мобайнида емай едиришди, киймай кийдиришди.

— Топдим! — деб қичқиб юборди Армен ногаҳоний қувончдан кўзлари йилтираб.

— Нимани топдинг? — анграйиб сўради дўсти Игор.

— Нимани бўларди, пул топиш йўлинида.

— Хўш-хўш?

— «ТТЗ-2» даҳасидаги 24-уйда битта оймчани билан, ишонсанг, итйологи-гача тилладан. Нарв борса, 10 минутда бадавлат бўламиз. Нима дейсан?

Игор чет тиллар олий билимгоҳининг кечки бўлимида ўқир, аммо унинг ҳам тайинли касб-кори, ишхонаси йўқ эди. Хўш, деса жавобгарлиги бор, қўлга тушса борми!

Шу пайт ҳув наридаги оқ халатли кишининг овози унинг хаёлларини тўзғитиб юборди.

— Кепқолинг, сомсанинг закази, есангиз мазаси оғзингизда қолади!

Игор ўғирлиб қаради. Шундоққина орқасида — марказий кўпмолли дўкон ёнида сотувчи мижозларга қўли-қўлга тегмай сомса сотарди. Нонушта қилишга пул тополмаган Игор қилт этиб сўлагини ютди.

— Кетдик! — деди беихтиёр.

Улар «ВАЗ-21011» белгилли 60-22 ТШ рақамли автомашинага яқинлашдилар. Ҳайдовчи билан даров тил топиша қолдилар. Кейин эса манзил томон елиб кетдилар.

Етиб боришгач, ҳайдовчи уларни 10-15 дақиқа кутиб ўтирадиган бўлди. Икковлон эса учинчи қаватга кў-

тарилди. Қўлларига қўлқоп кийиб, эшик қўнғирогини босишди. Жимлик. Демак, уйда ҳеч ким йўқ. Аяни муддао. Бири лом олиб, энди эшикни очишга чоғланган ҳам эдики, пастдан оёқ товуши эшитилди. Улардан бири юқори қаватга кўтарилди, иккинчиси эса орқага — лифт биқинига яширинди. Вуларни сезмаган

хонадон соҳибаси эшикни очди ҳамки, кучли панжалар исканжасида қолди. Бу панжалар унинг бўйинини чунонам бўғардики, нақ бўлмаса ўлдириб қўйгудек. Иккинчиси эса қўлидаги отверкани аёлининг қулоғи орқасига қадади.

— Жим!

Ичкарига киришди.

Аммо гурсиллаб тушган мушт зарбидан ерга юзубан йиқилди. Уни одеялга ўраб, оғзига латта тиқишди. 1 минг 528 сўмлик мол-мулкни олишдида, жуфтакни ростлаб қолишди.

Кўчага чиқиб, не кўз би-

лан кўришсинки, ҳайдовчи Азимов милиция ходимлари қуршовида турарди. Чап бериб қочишди. Аммо Арменни тутиб олишди. Эртаси кун эса Игор Костикни ИИБга диконглатиб келтиришди.

Қилимиш-қидирмиш дейдилар. Куйбишев тумани халқ суди Тошкент шаҳар, Чимкент кўчасидаги 21-уйда истиқомат қиладиган Армен Никогосяни 8, Фазогирлар шоҳкўчасидаги 8-уйда яшайдиган Игор Костикни 7 йилга озодликдан маҳрум этди.

Хуллас, улар энди то жа-зо муддати тугамагунча ўғирлик ёки босқинчилик-дек хавфли ишга қўл уриш ташвишидан халос бўлдилар.

Холмуҳаммад МУДИНОВ,
милиция старшинаси.

ОХИРИ РАСВО БЎЛДИ

КУЧМА ТАХРИРИЯТ

Мана, жумхуриятимиз мустақиллик туғи остида ўз келажакга томон дадил одимляпти. Ҳар жаҳада кишини қувонтирадиган ўзгаришлар бор. Бу давр талаби, тараққиётнинг асосий мезонидир. Келажак равнақи энди мустақиллик замиридан овоз бўлган ҳалқим қўлида. Замондан, истиқлолдан ўрғилайди, соғлом фикрловчи ҳар бир фуқаро давлатни бошқаришда, унинг равнақига ҳисса қўшишда ҳуқуқ ва имкониятга тўла маънода эга бўлди. Москва чилдирмасининг овози тинди. Марказ ҳуқуқонлигидан халос бўлди. Шундай экан, ўз мақсад ва маслағимизга мувофиқ равишда ички ишлар идоралари фаолиятини, иш услубини маҳаллий шароитга мослаб олишимиз шарт ва зарур. Шу муносабат билан бир қатор тақлифларимни ўртага ташламоқчиман.

ШАХСИЙ ФИКРИМ

ПАЙТИ КЕЛДИ

БИРИНЧИДАН, кадрлар танлаш ва касб маҳоратини оширишни такомиллаштириш даркор.

Сир эмас, сафларимизда хизмат қилаётган ходимлар орасида ўз она тилида тўрт қатор хат ёза, ўнга хато қиладиган, маданияту одоб-ахлоқдан мутлақо узоқ, ҳаракатдаги қонун-қоидаларнинг мазмун-моҳиятини тушунмайдиганлар бор. Ана ўшалар қўнунчилигимизни оёқости қилишяпти, фуқаролар билан нотўғри муносабатда бўлишяпти. Бир сўз билан айтганда, милиция обрўини топташяпти. Шу муаммони бартараф қилиш мақсадида:

— ҳар бир милицияга ишга кираётган йигитни синодан ўтказиш, ҳеч бўлмаса она тилида баён ёзириб, уни маданият, одоб-ахлоқ соҳасида, жуғрофия, тарих, анатомия, тиббиёт фанлари борасида эринмай ўрганиш;

— ўзини ва жабрланувчини ҳимоя қилиш қобилиятига эғалигига ишонч ҳосил қилиш;

— транспорт воситаларини қай даражада бошқариши мумкин, деган саволга жавоб топиш зарур.

ИККИНЧИДАН, ички ишлар ходимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазаси етарли эмас. Жумхуриятнинг 1990 йил 31 октябрдаги «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳақдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонуни илк қадам бўлган, ҳолос. Энди мустақил давлатда яшаймиз, шу боис бу йўналишни кучайтириш керак. Қўрол, резина таёқ, «Черемуха» ва бошқа махсус воситалардан фойдаланишни аниқ ва битта қонун билан тартибга солмоқ шарт. Ҳозирги тартиб-қоидалар эса назарий асосда қўрилган.

УЧИНЧИДАН, ССЖИ барҳам топди. Шу боис ички ишлар вазирлигида махсус комиссия тўзилиб, барча буйруқ, кўрсатма ва қўлланимлар давлат тилига ўтирилиши шарт. Бу ишни орқага суриш мутлақо ярамайди.

ТУРТИНЧИДАН, ички ишлар таркибининг ҳам за-

мон ва муҳитга мослаш лозим. Балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш назориятини милициядан чиқариб, халқ таълими тизимига ўтказиш ўринли бўлади. Ўз динимизга эга бўлдимки, бу соҳада «каттагина кўмак манбаини қўлга киритдик». «Ниҳоятда тарбияси оғир» болалар билан эса ўша ҳудуддаги участка вакили шуғулланаваради.

БЕШИНЧИДАН, моддий ва маънавий таъминот масаласини ҳам қайтадан кўриб чиқилса, ёмон бўлмасди. Милиция давлат идораси бўлганлиги учун ҳам айрим ходимларни хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий бюджет ҳисобидан ушлаб туриш ҳам мутлақо ярашмайдиган иш. Ҳозир шундоқ ҳам тўкилиб турган хўжаликлардан ҳар хил йўللار билан маблағ ундирилмоқда. Бундай ҳолат милицияни, кўпол қилиб айтганда, гадоё ҳолига тушириб, обрўсига путур етказяпти. Ҳамма милиция ходими (соқчилик бўлимлари бундан мустасно) ягона манбадан — жумхурият бюджетидан таъминланса, фаолиятимизга катта наф келтирган бўларди. Қолаверса, дам олиш ва байрам кунларидаги хизмат учун кўшимча ҳақ тўланиши керак. Ваҳоланки, бундай тўлов милициядан бошқа ҳамма соҳада бор.

Маънавий рағбатлантириш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилиши керакка ўхшайди. Масалан, собиқ Иттифоқ қонунларига кўра ўн, ўн беш, йигирма йиллик бевуқсон хизмат учун учинчи, иккинчи ва биринчи даражали медаллар таъсис этилганди. Хўш, йигирма йилдан кейинчи?

Тўғри, бу медалларнинг ҳеч қанақа моддий нафи йўқ. Аммо маънавий таъсири жуда кучли. Ҳар бир ходим ҳар учала даражадаги медални олишга ҳаракат қилади. Олди ҳам дейлик. Йигирма йилдан кейин эса унга энди ҳеч кимга керак эмасан, оладиганингини олдинг, бошқа нарсани кутма, қабилдаги муносабат пайдо бўлмайдики? Яна бошқа томондан йигирма йил ишлаган ходим (ҳаммаси ҳам эмас) энди бўлди, бу ёнига бир амаллаб пенсияга чиқиб олсам бўлди, деган фикрга боради, унда хизматга совуқ муносабат шаклланади.

Мустақил жумхуриятнинг ўз ордени ва медаллари бўлиши керак. Шу жумладан 25 йилгача хизмат қилган ходимни «Хизматда ўрнатқан кўрсаткичи учун» олтин медали (шартли), 30 йилгача хизмат қилганларни «Шуҳрат» ордени билан тақдирланса, қандай зўр бўларди!

ОЛТИНЧИДАН, милиция формасини ўзгартириш лозим. Негак ҳозирги формада фақат хонада тинчгина ўтириб иш қилиш мумкин ҳолос. Жиноятчи билан юзма-юз келганда, кийимларимиз ниҳоятда кўпол ва ўнғайсиз. Бош кийимни гапирмаса ҳам бўлади. Иқлимимиз иссиқ, шу боис енгил, кирчимол газламадан форма тикилса, бош кийимимиз енгил шляпкага ўхшаган бўлса.

Ва энг сўнгги тақлифимни баён қилсам. Бу севимли рўзномамиз «Постда»га тегишли. Уқиб бораёмиз, кўпчилик унинг номини ўзгартириш керак, деган фикрни билдирапти. Мен ҳам шу фикрга қўшиламан. Менимча, уни «Диёр қалқони» деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

Эргаш ТУРДИҚУЛОВ,
Қўрғонтепа тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари
милиция подполковниги.



Балиқчи тумани ИИБ ходими милиция катта лейтенанти Шавкат Камолов 1985 йилдан буён ички ишларда хизмат қилиб келмоқда. Унинг ҳамкасби Набижон Ботиров эса 1979 йилдан буён бу соҳада фаолият кўрсатади. Иккаласи ҳам ўз касбининг усталари.

СУРАТДА: навбатчи Ш. Камолов ёрдамчиси милиция катта сержанти Н. Ботиров билан хизмат пайтида.

А. НАЙМУШИН олган су-
рат.

ҚАЙ БИРИ ТЎҒРИ?

«Постда» саҳифаларида соф туркийча сўзлар ва атамалар бериб борилиши мени жуда қувонтирмоқда. Айниқса, милиция хизматларини ва бошқармалар номларини ўзбекчалаштириш ҳамда қисқартириш кундалини фаолиятимизда гоёт асқот-япти.

Аммо биз «ИДН»ни бир қанча ўртоқлар билан келишган ҳолда «Вояга етмаганлар иши назорати» — «ВЕИН» деб атагандик. Рўзномада эса «Балоғатга етмаганлар...», яъни «БЕИН» деб берилди. Менимча, балоғат тушунчаси ўсмирларни аёллик ва эрлик ёшига етганлигини кўпроқ англатади. Вояга етиш эса ўсмирларга хос иборадир. Ана шу кичи муаммога мутахассисларни жалб этиш керак, деб ўйлайман. Шунда «инспекция» ва «назорият» сўзларининг муқобилини танлаб олган бўларди.

С. ТОҒАЕВ,
Андижон тумани ИИБ балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи назорият бошлиғи милиция майори.

ҚАМОҚДАГИ МАҲСИЛАР

Авваллари маҳси деганлари ҳеч кимнинг эътиборини тортмай дўконнинг бир чеккасида уюлиб, чанг босиб ётарди. Кейинги пайтларда юртдошларимизга чин маънода эътиқод ва дин эркинликлари тўхфа этилгандан кейин ана шу матоҳ ҳам камёб моллар рўйхатидан ўрин олди. Сабаби нимада, дерсиз? Бир воқеани айтмиш, қиссадан ҳисса чи-

қариш ўзингизга ҳавола: Андижон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари 7 февраль куни саноат моллари савдоси идорасига қарашли 14-дўконда 500 жуфт аёллар маҳсиси яшириб қўйилганлигини аниқладилар. Бу ёғи оддий арифметика: нархи 160 сўмлик бу молларнинг умумий баҳоси 80 минг сўмни ташкил этади.
Р. УСМОНОВ.

Палов азал-азалдан ўзбекларнинг энг севимли, хушхўр миллий таоми ҳисобланади. Энг улуг кунлар оқшомида уй бекалари бир чўчим бўлса ҳам ош дамлашади. Чиндан ҳам шўх-хандон оила аъзолари даврасида гуручлари алоҳида-алоҳида қизариб пишган паловхонтуранни иштаҳа билан тановул қилишга нима етсин!

Аммо, афсуски, кейинги пайтларда савдода гуруч танқислиги бироз сезилиб қолди. Табиий, бу ҳол юртдошларимизни анча-мунча безовталантириб ҳам қўйди. Кўпни кўрган отахону онахонларимиз жойнамоз устида гуруч ва ундан қисмагин, дея яратганга илтижо қила бошладилар. Узоқни кўра билмайдиган фуқаролар эса бу ҳолни сиёсат билан, хусусан бозор иқтисодиёти билан боғлашга уриндилар. Учунчи тоифадагилар эса, одатдагидек, милицияни айблагга зўр бердилар. Юзакироқ қараганда, уларнинг мулоҳазалари тўғрига ўхшайди. Савдода гуруч танқис, аммо олибсатар қўлида хоҳлаганча топилади. Фақат нархи осмонда.

Энди муаммога инсоф юзасидан қарайдиган бўлсак, айбни милицияга зўрма-зўраки ёпиштиравериш адолатдан эмас. Улар, ўз-

ларининг тили билан айтганда, иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қўл қовуштириб ўтирмайптилар.

Яқинда Андижон вилояти ИИБ иқтисодий жиноятчилик билан кураш бўлимига Олтинкўл тумани «Ленин йўли» жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Акрамжон Холматов уйда жуда кўп миқдорда гуруч сақлаб, оширилган нархда хуфёна сотаётганлиги ҳақида маълумот келиб тушди. Унинг нечоғли асосли эканлигини текшириш мақсадида ИЖК, ДАН бўлимлари ходимлари ҳамда участка вакилларида иборат учта гуруч тузилди. 7 февраль куни гуруч аъзолари гумондор уйи томондан келатган «УАЗ-452» белгили 41-54 АНА рақамли автомашинани тўхтатдилар. Машинада ҳар бири 50 килограммлик биринчи навли уч қоп гуруч бор экан. Хўш, бу маҳсулот кимга тегишли?

— Менга, — деди фуқаро Д. Мамадалиев милиционерлар саволига жавобан. — Буларни Акрамжон Холматовдан 1 минг 975 сўмга сотиб олдим.

Шундан кейин 1953 йилда туғилган, Шаҳрихондаги 37-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Акрамжон Холматовнинг

уйига қадам ранжида қилишди. Уй айвонида Тошкент нон маҳсулотлари комбинатида 1991 йил декабрь ойида тайёрланган, ҳар килограмми 2 сўм 20 тийин турадиган 197 қоп гуруч тахлаб қўйилганлиги маълум бўлди. Суриштирувлар жараёнида халқ ризқини туя қилишда иштирақ этаётган қаллоблар қилмиши ҳам сув юзасидаги кўпикдек кўзга таш-

ланиб қолди. Шу жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи, 1962 йилда туғилган, вақтинча фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган Иномжон Маматов ҳамда Шаҳрихон туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи, 1963 йилда туғилган, чойхоначи бўлиб ишловчи Искандар Рустамовлар юқоридаги 10 тонна гуручни Қўрғонтепа тумани мева-сабзавот савдоси корхонаси тайёрловчиси Ҳабибулла Юсуповдан (ҳар килосини 10 сўмдан) 100 минг сўмга сотиб олишган. Кейин Андижон шаҳридаги 4-автокорхонага қарашли «ЛИАЗ-10042» белгили 36-10 АНЛ рақамли автобусга ортишган.

Манзилга олиб келишгач, фуқаро Абдукарим Қирғизбоевга (ҳар килосини 11 сўмдан) 110 минг сўмга кўтарасига пуллаганлар. Ўз навбатида Абдукарим Қирғизбоев анқонинг уруғига айланган маҳсулотни бошқаларга янада қимматроқ нархда пуллаш, қўни-қўшнилари, таниш-билишлари чўнтагидаги пулни шилиб олиш ва шу тариқа мўмай даромад ортириш мақса-

дида қариндоши бўлмиш Акрам Холматов хонадонига яшириб қўйган экан. Дастлаб Иномжон Маматов, Искандар Рустамовлар 10 тонна гуруч учун Ҳабибулла Юсуповга берган 100 минг сўм пул тегишириш учун қайтариб олинди. Сўнгра оператив-суриштирув ишлари янада авж олдириб юборилди.

Аниқланишча, Искандар Рустамов ва Иномжон Маматовлар шу йил 6 февраль куни ҳам Ҳабибулла Юсуповдан 10 тонна гуручни 100 минг сўмга сотиб олишган. Юқорида белгиси ва рақами келтирилган автобусда Шаҳрихон туманига олиб келишган. «Ғалаба» жамоа хўжалигининг Ваҳим қишлоғида

истиқомат қилаётган нафақадор Эргашбой Халиловнинг уйига яшириб қўйишган. Буни қарангки, соч-соқоли оқарган Халилов умрининг қолган қисмида савоб ортириш учун ҳаракат қилиш ўрнига билими-билимайми кўпчилик ҳақида хиёнат қилганлар даврасига қўшилган. Фақат шунинг ўзигина эмас. Искандар Рустамов ва Иномжон Маматовлар январь ойи охирида 8 тонна гуручни Олтинкўл ва Шаҳрихон матлубот жамиятларига қарашли дўконларга килограммининг 13 сўмдан топширганлари ҳам фожия этилди. Ўша дўкон мудирлари ҳам мушук бекорга офтобга чиқмайди, деган нақл марзини ихлос билан чаққан кўринадилар, аҳолига боғлиқ гуручларни 14 сўм 30 тийиндан пуллашган. Юқоридаги дўконлардан 51 қоп маҳсулот ашёвий далил сифатида қайтариб олинди.

Энди гуруч ишлаб чиқарадиган заводи бўлмасада, салкам «миллионер» бўлиб олган «ишбилармон» Ҳабибулла Юсупов ҳақида.

Бу шахс олғирликда юл-

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА

ХАЛҚ КҮРИБ ТУРИБДИ

ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Абдумуталиб Эргашев телефон дас-тасини кўтарди.

— Ўртоқ Акрамов, зуд-лик билан ҳузуримга ки-ринг!

Орадан саноқли дақиқа-лар ўтгач, бошлиқнинг оператив ишлар бўйича ўринбосари милиция майори Саидакбар Акрамов унинг хонасига кириб кел-ди.

— Рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ?

— Кириг, Саидакбар, ўтиринг. Ҳозиргина нав-батчи гидроэлектростан-цияси сув омборига бир мурда оқиб келганлигини айтди. Оператив гуруҳга ўзингиз раҳбарлик қила-сиз.

— Хўп бўлади!

У Муҳаммадмурзоқ Тур-гунов, Абдуқоҳор Топи-лов, Ёқубжон Нурматов-лар билан вақтни бой бермай ГЭСга етиб бориш-ди. Аниқлаган нарсалари шу бўлдики, бечоранинг қорнига ўткир тиг урил-ган, кейин сувга чўкиб ке-тиш натижасида ҳалок бўлган. Аммо у ким, қо-тиллиқ қаерда ва нима мақсадда рўй берган — номаълум. Худди ўша пайтда қотилнинг шахси-ни аниқлаш эса бир қоп сомон ичидан нима қиди-ришдек гап.

Аммо гуруҳ аъзолари-нинг оромсиз кунлари, уй-қусиз тунлари бесамар кетмади. Улар Жанубий Фарғона канали бўйлаб яёв Советобод шаҳригача бо-ришга мажбур бўлдилар. Бир ой давомида суриш-тирув ишларидан эринма-дилар ва ниҳоят қотиллик тафсилотини тиклашга му-ваффақ бўлдилар.

Виктор Опаликов энди-гина 41 баҳорни қарши-лаганди. Оиласида уч на-

нига борди. Қараса, ўзи-га ўхшаш пивохўрлар тўп-ланишган. Бу ердаги му-ҳит худди ари уясини эс-латар, кружкаларнинг та-қир-туқури, мижозларнинг гўлдираганнамо суҳбатла-ри ҳукмрон, тепада сига-рета тутунлари паға-паға эди.

Виктор ҳам уларнинг ора-сидан бўш жой топиб ўтир-ди. Дарров улфат ҳам то-пила қолди. Кружка кети-дан кружка, гап кетидан

лаб турган Дима Виктор-нинг қорнига пичоқ суқиб олди ва иккинчи қўли би-лан сойга қараб итариб юборди. Мувоzanатини йў-қотган Виктор шалолаб сувга йиқилди. У иложи борича қулоч отиб, қир-ғоққа, чиқмоқчи бўлди. Аммо дақиқа сайин қўл-оёқлари ҳолсизланиб бо-рар, ўзига мутлақо бўй-сунмасди. Ниҳоят, пиш-қибриб оқаётган сув уни бутунлай ютиб юборди.

Дима эса тоза ҳаводан тўйиб нафас олди. Кейин толиққан асабларига дам бериш учун яна пивохонага қайтиб кирди. Муздай ичимликдан сипқорган са-ри қўлларининг титраши ҳам босилаверди, бора-бора ўзи амаллаган қон-хўрликни буткул унутди.

Дима ким ўзи деб сўра-сиз? У 1964 йилда туғил-ган Дмитрий Алексеевич Балакиров, муқаддам жи-ноят мажмуасининг 126-моддаси 3-қисми билан судланган, жазо муддати-ни ўтаб чиққанга ҳали бир йил тўлмаган шахс бў-либ чиқди.

Оператив гуруҳ аъзола-ри уни Советобод шаҳрида-ги «СССР 50 йиллиги» кў-часида жойлашган 156-уйда қўлга туширдилар.

А. БУЗРУКОВ.
Хўжабод тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори.

ОРОМСИЗ БИР ОЙ

фар фарзанди, кексайиб қолган онаси бор эди. Хул-лас, қувончи ҳам, ғам-ташвиши ҳам ўзига етар-ли оила бошлиғи эди. Уни яқиндан таниган-билганлар яхши фазилатли, рисола-дагидай одам эди, деб таъ-рифлашди. Аммо ичиб ол-ганда ҳеч кимни танимай қоларди. Гўёки оловга ай-ланарди.

Энди тасаввур қилинг: шу ҳислатга эга бўлган икки киши ўтириб ул-фатчилик қилишса, ўрта-да бирор кор-ҳол чиқиши турган гап.

Ёзининг иссиқ кунлари-дан бирида Виктор сал-қинлаб келиш мақсадида Қорасув шаҳри бозори ёни-даги «Дўстлик» рестора-

гап уланаверди. Ҳозиргина бу ерга кириб келган Вик-тор ҳам орадан ярим со-атлар ўтгач, атрофдаги-лар билан бир хил қиёфа-га кирди. Шеригини эса қўяверинг. Шу тариқа ку-тилаётган маррага етиб келишди. Икки улфат ўр-тасидан ола мушук ўтди. Худди уришишга чоғлан-ган хўрозлар каби бир-бирларига қараб ҳурпайиш-ди. Шунда уларни ким-дир тартибга чақирдимми ёки ўзлари бошқалар оро-мига ҳалал етказмаслик-ка қарор қилишдими, ҳар-қалай панароқ жойга чи-қишди. Шаҳрихонсой ёқа-сида уларнинг даҳанаки жанжаллари авжга кўта-рилди. Шунда пайт пой-

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАННИНГ ТАҚДИРИ

Булоқбошлик 17 ёшли Сонпов эълон берилган Музаффар Сонпов шу йил-кунини чўнтақларини «қоқ-нинг 28 январиди уйидан лаб», ўз оёғи билан уй-чиқиб кетиб, бедарак йў-қолгани учун Булоқбоши Музаффарнинг ота-онаси тумани ИИБ ходимлари Булоқбоши тумани ИИБ «Постда» рўзномасининг 6 ЖҚБ опервакиллари ва февраль сониди қидирув «Постда» рўзномасининг эълон қилишганди. ходимларига миннатдор-Олти минг сўм пул би-чилик билдиришди. лан изсиз ғойиб бўлган М. Авазбек ДАВРОНОВ.



Самимият — ички иш-лар соҳасида хизмат қилувчиларнинг бош ху-сусияти бўлмоғи шарт. Акс ҳолда оддий меҳ-наткаш одамлар дарди-ни тушуниш мушкул.

Андижон шаҳар ИИБ ходими милиция катта лейтенанти Артур Меж-лумов ўзининг ширинсу-ханлиги, меҳнатсеварли-ги туфайли фуқаролар орасида яхшигина обрў-эътибор қозонган.

СУРАТДА: милиция катта лейтенанти Артур Межлумов қурувчилар билан суҳбатда.

А. НАЙМУШИН олган сурат.

ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТАДИ

Андижон шаҳар саноат моллари идорасига қарашли «Камолот» номи учинчи дўкон трикотаж бўлини муди-ри Муталлиб Улуғоҳунов 6 февраль кунини «Ўзкийин-кечаксавдоси» базасидан 115 минг 300 сўмлик эрка-лар пайпоқлари ва аёллар колготкаларини қабул қилиб олди. Кейин-чи, дерсиз? Бу одам савдода неча йилдан бери ишлаётган билмайман-у, аммо ҳадисини олганлар-дан. Қулай пайт келганда, имкониятини бой берадиган-ларнинг гўрига гишт қалашни хуш кўради. Қисқаси уд-дабурон.

Тўғрида, бу моллар ҳозир жуда ҳам тақчил, фойда-ланиб қолиш керак. Инсоф, виждон деганлари мавҳум тушунча. Аниқ фойдадан эса қўлга нимадир юқади. Шу ниятда эртаси кунин молларнинг 13 минг 600 сўмлигини уйда сақлаб туришга, кейинчалик «шапка»си билан пул-лашга аҳд қилди. 42-дўкон номига қалбаки, рақамсиз ҳужжат тўғрилаб, пайпоқ ва колготкаларини «ЕРА3-762» белгили 12-39 АНМ рақамли машинага юклади. Аммо луқма томоқдан ўтаётганда, тиқилиб қолди. Милиция ходимлари «ола таёқ»ни ўйнатганча пешвоз чиқиб, тўх-татишди. Текшир-текшир бошланиб кетди. Худонинг эринмаган бандалари у савдо қиладиган дўконга ҳам ташир буюришди. Чиндан ҳам пештахтада юқорида айтилган камёб моллар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш-гач, ғайратлари янада жўшиб кетди.

— Энди ўзингизга қарашли омборга бошланг, — дейишди. Мудир ҳаммасидан ҳам шунисидан, чўчиганди. Минг тавалло қилмасин, бекор кетди. Ночор қолгач, «мўмин-бечора» бўлиб йўл бошлади.

Нимқоронги омборда 101 минг 700 сўмлик камёб моллар яшириб қўйилганлигини кўрган милиция ходим-лари қаҳрамонимизнинг учарлигига баралла «офарин» ўқиди. Ҳеч қанақа муҳр, ташкилот номи ёки тегишли мутасаддилар имзоси бўлмаган 27 минг 165 сўмлик ку-понларга кузлари тушгач, яна бир марта офарин де-йиш учун оғизларини очиди.

Р. ҚОСИМОВ.

дузни бенарвон урадиган-лар хилидан эканлигини 1962 йилда туғилган, Шаҳ-рихон тайёрлов идораси хизматчиси Шахобиддин Ғафоров ҳам тасдиқлади. Ишбтнинг эса милиция хо-димлари топдилар. Бу йи-гит ҳам Ҳабибулладан 6 февраль кунин 10 тонна гуручни килосини ўн сўм-дан сотиб олганини ва «Ленин йўли» жамоа хў-жалигининг Сокобод қиш-лоғидаги уйига беркитиб қўйганлигини бўйнига ол-ди.

Ишончимиз комилки, ма-қоламинизни берилиб ўқиёт-ган мухлислар тонна-тонна маҳсулотлару минг-минг-лаб пуллар ҳақида ўйлаб, бу ишларнинг ҳақиқат эканлигини тасаввурлари-га сиғдира олмаяптилар. Энди Ҳабибулла 28, 29, 30 январь кунлари ўз кор-хонасидан бир йўла 90 тонна гуручни «Қорасув» жамоа хўжалигига олиб борганлигини қандай ҳазм этсинлар? Бу учар йигит юртимизда давом этаётган тақчилликдан ғоят манфа-атдор. Бошқалар қийин куллар тезроқ ўтиб кети-шини тиласа, у бутунлай аксинча. Ҳатто, ўзгалар азоби ҳисобига пайдо бўл-ган умиди қатъий ишонч-га айланоқда эди. Ё та-ваба, дейсиз, ҳозирги ба-ҳода пулга чаққанда 198

минг сўмлик бояги гуруч-ни нарх-наво янада кўта-рилгандан кейин пулла-моқчи эди у. Устаси фа-ранглигига қойил қолмай илож йўқ, ҳар эҳтимолга қарши Қорасув матлубот жамиятига қарашли тўрт-та дўкон мудирлари би-лан тил топишган, бу гу-ручларни 2 сўм 20 тийин-дан топширилганлиги ҳа-қида қалбаки ҳужжатлар-ни расмийлаштириб қўй-ган. Лекин тадбиркорлик панд берди. Жамоа хўжа-лиги омборидан унга те-гишли 40 тонна, мева-саб-завот савдоси идорасидан 34 тонна 320 килограмм маҳсулот текшириш учун олинди.

Яна мақоламининг бо-шидаги мавзуга қайтсак.

Ростдан ҳам ўзбеклар бо-лажон халқ. Ҳар бир хона-донда ўртача беш-олти на-фар фарзанд бор. Катта-ларку бир амаллаб чидар, аммо улар ҳафтада бир марта ош ейишмаса, хар-хаша қилишлари турган гап. Бечора ота-оналар эса кўпинча 2 сўм 20 тийинлик гуручни 13-14 сўмдан со-тиб олишолмай юрак-ба-ғирлари эзилади. Бир ҳо-вуч қаллоблар эса шу ҳи-содан чўнтақларини қап-пайтириш орзусида. Ана инсоф, ана диёнати!

Алм ЭРДОН.

Мўйдин СУФИ,
«Постда»нинг жамоатчи муҳбири.

Шанба учрашувлари

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 98 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«ТУШЛАРИМДА КУМУШ ЙИҒЛАЙДИ...»

Бир ўқ пора этди чўлпон кўксини,
Қодирий юрагин тилди ўша ўқ.
Қабиҳ диллар тутгач ўқнинг измини,
Домла Фитратни ҳам аягани йўқ.
Тарих — ҳакам ўзи, сўйлайди бу кун:
Ҳақ сира синмаган, гоҳо эгилган.
Қабиҳга битта ўқ, эзгулик учун
Мангу ҳаёт ва кенг кўрак берилган.

Дарҳақиқат шундоқ! Аммо ҳар бир эзгулик ҳар маҳал турли тўсиқларга дуч келган. 1989 йил охири 1990 йил бошидан буён бир эзгу ният ўз ўрнини топа олмаётди. Бу — пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги ўндан ортиқ маҳалла кўмиталари, 125 минг аҳоли ҳамда Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи жаммасининг мазкур боғга Абдулла Қодирий номини бериш ҳақидаги сўровномалари. Шу сўровнома қарийб икки йилдирки, ижобий ўрганилмаётди. Пойтахт ҳокимлиги бу масалани халқ истагига мос равишда ҳал этмасмикин! Бу савол менга сира тинчлик бермайди. Қачонгача эл тилаги, юрт равнақи билан боғлиқ сўровлар тортмаларда сарғаяр экан? Кетма-кет туғилган сўроқлар мисраларга айланиб, қоғозга тўкилади. Мен унга ном қўяман:

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ МОНОЛОГИ
Ҳасратга тўла бу юмалоқ замин
Афсус, ёрилмайди — чидами тоғдан.
Юраксиз кимсалар юракка ғаним —
Гуноҳдор бандаси кўрқмас гуноҳдан.

Қоғоз юзинимас, юракни тилиб,
Бўхтонлар ёзарлар тиг-пайкон билан.
Қон тўкиб ва яна югуриб-елиб,
Қонни ювадилар яна қон билан...

Элни сотқучилар эл билан қолди,
Эл деб ёнгучини ютди кўрғошин.
Менинг дәрдим ҳечдир, элни дард олди,

Бироқ йўқ ўлчови элим бардошин.
Эллик йил наридан қараб бўйлайман:
Ҳамон саргардондир инсон тилаги.
Йўқолган дастхатмас, элни ўйлайман,

Ҳануз эл эғнида мотам кўйлаги.
Йилтираб кўринар қайдадир бир чўғ,
Аммо ёлқинлана олмас аланга.
Қалов топилмаса, қаршилгим йўқ —
«Утган кунлар» қалов бўлсин гулханга.

Абдулла ҚОДИРИЙ! Бу сиймо елкасида халқимиз кўксига тоғ бўлиб ортилган машаққатларни мужассам кўриш мумкин. Тириклигида-ку, қанча маломатларга дучор этилди, ноҳақ ситамлар кўрди, бироқ қатлидан кейин ҳам ўзининг арвоғини чирқиратдилар.

Фарзанд кўриш чоғидаги машаққатларни аёлларимиз яхши билишади. Қаламқашнинг асар яратишдаги кечинмаю тўлғоқларини мен кўзи ёриётган аёл ҳолатига ўхшатаман. Қанча азобу-изтироблар эвазига дунё юзини кўради ҳар бир асар. Ўзбек романчилигининг тўнғич фарзанди — «Утган кунлар» асарини роса қайчиладик, парчаладик. Ундан фильм, сахна асари яратамиз, деган бахонада Абдулла Қодирий талқинини бузиб, беҳаёлаштирдик, ҳақиқий ишқий кечинмаларни эса шаҳват кафанига ўрадик.

Шуларни ўйлар эканман, изтиробларим мисраларга кўчиб, қоғозга тўкилаверади:

Тушларимда Кумуш йиғлайди,
Фироқданмас, ҳақоратлардан.
Ўқиб-ўқиб, хомуш йиғлайди,
Ҳомид айтган маломатлардан.

Оҳ, Отабек, нечун тин олдинг,
Улди дема душманлар у кун.
Бу кун яна тўхматга қолдинг,
Унлаб Ҳомид изғийди тагин.

Барчасининг нияти ёвуз,
Ҳамон бўхтон хатлар битишар.
Мухаббатдан лоф уриб туйқус,
Кумушларни бадном этишар.

Оҳ, Отабек, нечун тин олдинг,
Ё тушдими ханжаринг қўлдан!
Жавоб бергил, нега жим қолдинг,
Ё тулпоринг адашмиш йўлдан!..

Маним эса кўксим узра тиг,
Қонли қалбим хомуш йиғлайди.
Кўзим юмсам ҳар кеч, водаринг,
Тушларимда Кумуш йиғлайди!

III

Ушбунни ёзаяпману ўйлар оғушига чўмиб кетавераман. У вақтда Тошижроқўмдаги пойтахт Атамалар комиссиясида расис ўринбосари бўлиб ишлардим. Юнус

обод йўналишида қурилатган метронинг лойиҳадаги «Алайский рынок» бекатини Абдулла Қодирий номи билан юритиш ҳақидаги таклифни киритдик. Лекин шахар миқёсидаги раҳбарлардан ҳисобланган бир кимса қўйидаги эътирозни билдирди:

«Бу Абдулла Қодирий деганлари ик-китами, ўчтами китоб ёзган экан. Ахир, 20-30 тадан китоб ёзган ёзувчилар ҳам бор-ку».

Бу эътирозга жавоб айтиш менинг чекимга тушди. Мен бор ғазабимни ичимга ютдим ута босиқлик билан дедим: «Тўғри, ҳатто 50 та китоб ёзган ёзувчилар бор. Аммо Абдулла Қодирий ўзининг биргина «Утган кунлар» асари билан дунёдаги олтинчи романчилик мактабига — ўзбек романчилигига асос солган. Ёзишда ҳам ёзиш бор!..»

Уша воқеа хотирамда ўчмас из қолдирди. Ҳа, Абдулла Қодирийнинг буюклигини ва бу улкан сиймони етиштирган халқнинг довуғини билмайдиганлар юртимизда анчагина. Шуларни ўйласам, хаёлларим юрагимдан тошиб чиқиб, мисраларга айланганча қоғозга тўкилаверади:

Жалолиддин аждодим маним,
Ғазавийга томирим туташ.
Амир Темур — бобо деганим,
Шайбонийхон — аймоғим қондош!

Бир қўлида салтанат муҳри,
Бир қўлида тебранган довт.
Зарбоф кийган юртнинг эмири —
Навоийга авлодман, авлод.

Довруғимдан тоғлар тўлишиб,
Қоя бўлган саботим раиги.
Эшитилар минг йиллар ошиб,
Бобом урган қилич жаранги.

Искандарнинг шохин синдирган
Спитамен шу эл фарзанди.
Кисрони ҳам мешда сўндирган
Мард Тўмарис шу эл дилбанди.

Эркесварлик қонимда бордир,
Бобур — менман, мен — Улғубекман.
Сино, Лутфий бирла бир томир —
Мен — ўзбекман — ўзимга бекман!

Қалам билан тож кийган бобом.
Қилич билан суяган ҳақни.
Мен буюклар наслидан бино,
Бир ўғлиман шу буюк халқнинг!

Дилмурод ЭГАМБЕРДИ ўғли.

БОЛАНИНГ

ТИЛИ ШИРИН

ТИЛИ ЧИҚДИ

— Раъно, суюнчи бер, укамнинг тили чиқяпти.
— Вой, нима, туғилганида тили йўқмиди?

БОЛА ВА ДУМБУЛ

— Ойи, мени кўтаринг.
— деди, Зокир талпиниб.
— Ие, ўғлим, катта бола бўлиб қолсанг ҳам кўтараманми?
— Нега бўлмаса, макка боласини — думбулни соқоли чиқса ҳам кўтариб олган? — деди Зокир ҳовлидаги маккаларга қараб.

ТАҚДИР

— Ҳа, шунақа, — деди Нормат бобо. — Ҳамма ҳам пешонасига ёзилганини кўради.
— Вой, бобожон, қарангчи, менинг пешонамга нима ёзилган экан, ўзим кўролмапман, — деди Гулнора пешонасини ушлаб.

ОРТИҚ

— Ака, анави қўзичоқ ҳамма қўйларнинг бобосинми?
— Нега унақа деяпсан?
— Ахир, унинг соқоли бор экан-да, — деди Нодир қўзининг бўйнидаги ортинини кўрсатиб.

БЎТАЛОҚ

— Ойи, сиз туямсиз?
— Нега ундай деяпсан, ўғлим?
— Бўлмаса нега мени доним: «Бўталоғим», — дейсиз?

МЕНИНГ ПАЙПОҒИМ

— Бер, менинг пайпоғимни, — деди Ҳамид укаси Ҳикматга.
— Йўқ, бунни дадам менга олиб келдилар.
— Барибир ухлаганингда олиб қўяман.
— Мен бунни анави гиламининг тагига яшириб қўяман, уни ҳечам тополмайсан, — деди Ҳикмат.

НОҒОРА

— Ўғлим, нега бизни бевозта қилиб ноғора чалаяпсан?
— Ўзингиз: «Аввал ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ», — деган эдингиз-ку!

ҚУЛОҚ

— Вой, боласи тушмагур-ей, секинроқ гапирсанг-чи, қулоғимни тешиб юборай деяпсан-ку.
— Вой, бувижон, қулоғингиз ўзи тешиқ-ку. Ахир, битта қулоққа иккита зинак тақиб бўлмайди-ку.

УТ

— Ўғлим, сен жуда дангаса бўлиб кетяпсан, опангни кўрипсан-ку, юрагида ўти бор.
— Дада, ундай бўлса тезда опамга сув ичириб юбориш керак, бўлмаса ичи куйиб кетади.

ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

Ўқитувчи:
— «Овқат» сўзининг синонимини ёки «овқат»га яқин бўлган сўзларга мисол келтир.
Ўқувчи:
— Қозон, қапир, чўмич, қошиқ.
Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, ТошДД толиби.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МАҚОЛЛАР


Айрилган айиқни ер, бўлинган бўрини.
Минг киши буюради, бир киши бажаради.
Бир кун бурун «чўзсанг», ҳафта бурун ўсасан.
Амалдор бир жойдан «қўкаради».
Ун тўрт марта ўлчаб, икки марта кес.
Олқин олма, олтин ол.
Ҳурмат қилсанг кресло сеники.
Суйганининг омон бўлса,
Рангу рўйинг сомон бўлмас.
Бошлиққа тупурсанг кетингга тушади (тепки).
Биттасини йиқитсанг (амалдорни), ўнтасини эк (со-И. НОРҚУВВАТОВ тўплаган).

КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Биринчи йўловчи:
— Икковининг биридан воз кечмасам бўлмайдиған кўринади. Ёшим ўтгани сайин енгаяпти.
Иккинчиси:
— Нима, хотинингиз...
Биринчи йўловчи:
— Нафасингизни ел олсин-э. Мен сигарет билан носни айтаяпман.

Амаки:
— Дадагнинг касби нима?
Қизалоқ:
— Дадам ишбилармонлар.
Амаки:
— Бу нима деганинг?
Қизалоқ:
— Бозорда гугурт билан туз сотадилар.

Дўхтир:
— Хўш, бемор, касбингиз нима?
Бемор:
— Бозорда у-бу сотаман.
Дўхтир:
— Сизни нима бевозта қилаяпти?
Бемор:
— Мелисалар.
Нормамат ТОҒАЕВ,
Косон шаҳри.



КҲКЛАМ КҲРКИ.

Ҳ. ШОДИЕВ олғай сурат.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, 59-20-92, умумий бўлими — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.
44272 нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
босмахонаси. 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эътиборини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очилган эълон қилиниши мумкин бўлган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳрират фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029,
Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.